ЮРИДИК СОҲАДАГИ ФАН ВА ТАЪЛИМГА ОИД АХБОРОТ МАНБАЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИ

Шербек Норматов[1], Одил Ўринқулов[2] , Марат Рахматуллаев[3]

[1]Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети докторант, PhD, E-mail: shb.normatov@gmail.com

[2] ИИВ Академияси ахборот технологияларини жорий этиш ва таълимни рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси E-mail: ourinkulov@gmail.com

[3]Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-кутубхона тизимлари профессори, т.ф.д., E-mail: marat56@mail.ru

KALIT SO'ZLAR

юридик адабиётлар, илмий ахборотларни баҳолаш, юридик адабиётларни бахолаш мезонлари, фойдаланувчилар ахборот эхтиёжлари, электрон кутубхона, граф моделга асосланган иерархик маълумот тузилмаси, юридик адабиётларни таснифлаш.

ANNOTATSIYA

Маълумки, юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот ресурслари мазкур йўналишда малакали кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ахборот таъминоти бўлиб ҳисобланади. Аммо муайян бир ҳуқуқий (ёки юридик) ҳолатларда унинг иштирокчилари мазкур ҳолатга энг мақбул бўлган юридик ахборот манбаларини топа олишлари керак. Бунда нафақат ахборотнинг мақсадга мувофиқлиги, балки унинг долзарблик, аниқлик, тўлиқлик, фойдалана олишлик каби классик хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши зарур. Бу эса юридик соҳасидаги ахорот манбаларини баҳолаш заруратини келтириб чиқаради. Мақоланинг мақсади мавжуд ишларнинг таҳлили асосида юридик соҳадаги ахборот манбаларини таснифлаш ва баҳолаш усулини ишлаб чиқишдан иборат. Фан ва таълимга оид ахборот манбаларини баҳолаш масаласи фойдаланувчиларни зарур юқори сифатли адабиётлар билан таъминлаш самарадорлигини ошириш учун маълумотларни интеллектуал қидиришнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади.

I. Кириш

Юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот ресурслар фойдаланувчилари қонунлар, қоидалар, процедуралар ва ҳуқуқий тизимнинг бошқа жиҳатлари тўғрисидаги маълумотларни қидирувчилардан тортиб, уларни келиб чиқиш тарихи ва зарурати, қўлланилиш жараёни, кўлами ва чегаралари, уларда мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш усул ва процессларини ўрганувчи ва тадқиқ этувчи одамларгача бўлиб, улар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ёки ўз вазифаларини билишни истаган профессионал адвокатлар ва оддий фуқаролар бўлиши мумкин. Ҳуқуқий ахборот истеъмолчилари ахборот олиш учун Internet сайтлари, китоблар, журналлар, конференциялар ва семинарлар, шунингдек адвокатлар ёки бошқа мутахассислар билан маслаҳатлашувлар каби турли хил маълумот манбаларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундан ташқари, ҳуқуқий маълумотлар истеъмолчиларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради, шунингдек, қонун билан зиддиятларнинг олдини олади. Бу, айниқса, юридик маълумотга ёки ушбу соҳада иш тажрибасига эга бўлмаган одамлар учун жуда муҳимдир.

Юридик соҳасининг ривожланишида, ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда юридик ахборот манбалари муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли мазкур ахборот ресурсларини яратиш, сотиб олиш, сотиш, айрибошлаш, уларга обуна бўлиш ёки ҳимоялаш учун уларнинг қийматини баҳолаш зарурати туғилади. Баҳолаш мақсадларининг турличалиги, ахборот манбалари таркиби ва хусусиятларининг ҳар хиллиги ҳамда ахборот

© *Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев*

баҳосининг вақтга боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши фан ва таълимга оид ахборот манбаларини баҳолаш масаласини қийинлаштиради.

Кейинги пайтларда илм-фаннинг ривожланиб бориши билан бирга фаннинг турли соҳаларида муҳим илмий-тадқиқот ишлари бажарилмоқда ва тадқиқот натижалари сифатида қимматли илмий-техник ахборотларга эга бўлинмоқда. Шунингдек, жаҳон илмий ахборот базаларига кириш имкониятларининг ортиши натижасида юридик соҳадаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари, кутубхоналар ва ахборот марказлари жаҳон миқёсидаги қимматли илмий-техник ахборотларга эга бўлишмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш ва фойдаланувчиларни юридик адабиётлар билан самарали таъминлаш учун юридик соҳасидаги фан ва таълимга оид ахборот манбаларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш зарур.

Ушбу мақолада юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот манбалари таснифланади, юридик адабиётларни баҳолаш мезонлари таҳлил этилади ва юридик ахборотларни баҳолаш усули таклиф этилади.


II. Юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот манбалари таснифи

Ҳуқуқий фаолият ва ҳуқуқий ахборотлаштириш соҳасида «ҳуқуқий ахборот» атамаси кенг қўлланилади. Ҳуқуқий ахборотга, биринчи навбатда, ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек қонун билан боғлиқ барча маълумотлар: қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, уларни муҳокама қилиш ва қабул қилиш, ҳисобга олиш ва тартибга солиш, ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ва амалга ошириш, уларни қўллаш амалиётини ўрганиш учун материаллар киради [1]. Ҳуқуқий маълумотларга ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқ ривожланишининг илмий тушунчаларини ишлаб чиқиш бўйича материаллар ҳам киради. Юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот манбаларини маълумотларни акс эттириш турига қараб 1-расмдагидек таснифлаш мумкин.

Юридик ўқув ресурслари – бу жамоат мулки бўлган ёки бошқалар томонидан улардан бепул фойдаланиш ва қайта фойдаланишга рухсат берувчи интеллектуал мулк лицензияси асосида чиқарилган таълим, ўқитиш ва тадқиқот манбалари ҳисобланиб, уларга тўлиқ курслар, курс материаллари, модуллар, дарсликлар, видео оқим, тестлар, дастурий таъминот ва билим олишни қўллаб-қувватлаш учун ишлатиладиган бошқа воситалар, материаллар ёки усуллар киради [2]. Кўп ҳолларда юридик ўқув ресурслари очиқ манбалар ҳисобланади уларни баҳолашнинг муҳим мезонлари сифатида фойдалана олишлилик, тўлиқлилик ва тушунарлилик хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

*Юридик норматив ресурслари*га эса қонун чиқарувчи ва ваколатли органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида маълум шаклда қабул қилинган (чиқарилган) ва ҳуқуқий нормаларни ўрнатиш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ёзма расмий ҳужжатлар тўплами мансуб бўлади. Ушбу гуруҳга мансуб ахборот манбаларини баҳолашда ахборотнинг ишончлилик, фойдалана олишлилик ва аниқлилик хусусиятлари устуворлик касб этиши мумкин.

© *Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев*



1-расм. Юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот манбалари таснифи

Юридик илмий ресурслар деганда юридик фанлар ихтисосликлари бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқот фаолияти натижаларида олинган янги билимлар, таҳлилий маълумотлар, ҳулосаларни ўзида жамловчи ахборот манбалари тушунилади. Янгилилик ва долзарблик мезонлари юридик илмий ресурсларни баҳолашда муҳим ўрин тутади деб ҳисоблаш мумкин.

Юридик маълумот ресурслари бирламчи ахборот манбалари ҳисобланиб, улар баҳолашда ахборот манбасининг чуқурлиги, фойдалана олишлик каби мезонлари муҳим ўрин тутади.

Юридик даврий нашрлар мунтазам равишда нашр этиладиган манбалардир. Даврий нашрлар китобларга қараганда тез-тез нашр этилади ва долзарб маълумотларни ўз ичига олади. Журналлар ёки оммабоп даврий нашрлар одатда кенг кўриб чиқиш жараёнига эга бўлган журналлар ёки илмий даврий нашрларга қараганда қисқа вақт ичида нашр этилади. Аниқлилик, ишончлилик ва фойдалана олишлилик хусусиятлари уларни баҳолашда муҳим мезон ҳисобланади.

Ҳуқуқий соҳада фан ва таълимга оид ахборот манбаларини фойдаланувчилар одатда қуйидаги манзиллардан топишлари мумкин:

Юридик адабиётлар кутубхонаси: фуқаролик, жиноий, меҳнат ва бошқалар каби ҳуқуқнинг турли соҳаларига оид кўплаб китоблар, мақолалар ва бошқа материалларни ўз ичига олади.

Таълим платформалари: юридик мавзулар бўйича курслар, видео дарсликлар ва бошқа материалларга киришни таъминлайди.

Ҳуқуқий форумлар: адвокатлар ва бошқа мутахассисларга ҳуқуқ соҳасида тажриба ва билим алмашиш имконини беради.

Конференциялар ва семинарлар: ҳуқуқий соҳадаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва мутахассислар ўртасида тажриба алмашиш учун ўтказилади.

Ихтисослашган журналлар: ҳуқуқнинг турли жиҳатлари бўйича илмий мақолалар ва тадқиқотлар нашр этиш.

Университетлар ва илмий муассасаларнинг веб-сайтлари: ўқув дастурлари, тадқиқотлар ва ҳуқуқ соҳасидаги нашрлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

© Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев

1-жадвал.

Фан ва таълимга оид иҳтисослашган очиқ юридик интернет ресурслари ахборот манбалари

Ресурслар турлари	***Ҳуқуқшунослик ахборот ресурслари***							
	Advice Uz	***Milliy huquqiy portal***	***Lex.uz***	***Diss.natlib.uz***	***Судялар олий мактаби***	***Legalzoom***	***Law.com***	***Краснодарского Универ. МВД России***
Ўқув ресурслар	*Мавжуд эмас*	*Онлайн синов ва ўқув курслар Методик материал*	*Мавжуд эмас*	*Дарс-ликлар*	*Методик материаллар*	*Мавжуд эмас*	*Юридик соҳадаги билимлар ва тенденция*	*Ўқув-методик. Мат.*
Илмий ресурслар	*Мавжуд эмас*	*Мавжуд эмас*	*Мавжуд эмас*	*Автореферат Диссертация*	*Тренинг тўпламлари Авторефератлар*	*Мақолалар*	*Мавжуд эмас*	*Монография. Қисман. Қидирув йўқ*
Маълумот ресурслари	*Янгиликлар Ҳуқуқий маслаҳатлар Фойдали маълумотлар*	*Тарғибот материал Ҳуқуқий маслаҳат Луғат Ҳуқуқий ечимлар*	*Энциклопедик луғат. Конс. ҳуқуқ*	*Мавжуд эмас*	*Омма учун маълумотлар*	*Эксперт маслаҳат*	*Ҳисоботлар Рейтинглар Бизнес ва суғурта хизматлари*	*Мавжуд эмас*
Нормативресурслар	*Мавжуд эмас*	*Мавжуд эмас*	*Нормати в-ҳужатлар*	*Мавжуд эмас*	*Пленум қарорлари, шарҳлар*	*Суд ва даъвога оид ҳужжатлар*	*Мавжуд эмас*	*Мавжуд эмас*
Даврий ресурслар	*Мавжуд эмас*	*Мавжуд эмас*	*Мавжуд эмас*	*Мавжуд эмас*	*Мавжуд эмас*	*Мавжуд эмас*	*Мавжуд эмас*	*Дар. Нашр. кўрсаткичи*

Рақамли манбаларга киришда фойдаланиш шартлари, лицензия чекловлари ва контент билан боғлиқ ҳар қандай муаллифлик ҳуқуқи чекловларини ҳисобга олиш муҳимдир. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда маълум кириш учун обуна, аъзолик ёки институционал мансублик талаб қилиниши мумкин. 1-жадвалда фан ва таълимга оид иҳтисослашган очиқ юридик интернет ресурслари ахборот манбалари уларда мавжуд ресурслар турлари бўйича таснифи келтирилган. Юридик адабиётлар турларининг ҳар хиллилиги ва улардан фойдаланиш мақсадларининг бир-биридан фарқ қилиши ҳамда бир қанча баҳолаш мезонларга эгалиги мазкур турдаги ахборот масалаини қийинлаштиради.

III. Фан ва таълимга оид ахборот манбаларини баҳолаш усуллари ва воситалари таҳлили

Ҳар қандай объектни баҳолаш учун баҳолаш мезонлари шакллантирилиши зарур. Фан ва таълимга оид ахборот манбаларини баҳолашнинг сон ва сифат кўрсаткичлари мавжуд [3]:

© *Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев*

Сифат кўрсаткичлари: аниқлилик, долзарблилик, тўлиқлилик, тушунарлилик, ишончлилик, илмий янгилиги, фойдалана олишлик ва бошқалар.

Сон кўрсаткичлари: муаллифнинг салоҳияти (h индех), нашриётнинг нуфузи (Impact factor), тақриздан ўтказиш жараёнларининг ишончлилиги ва тақризчи салоҳияти, бошқа манбалар билан боғланганлик даражаси ва уларнинг сифати, фойдаланишлар сони ва ҳакозо.

Ахборотни баҳолашнинг шу вақтга қадар маълум бўлган мезонларини илмий-техник ахборотлар манбаларини баҳолаш учун ҳам қўллаш мумкин. 2-жадвалда IEEE ва Springer илмий ахборот базаларидан олинган мақолалар асосида ахборотни баҳолашнинг бир неча ёндашувга асосланган айрим усуллари келтирилган [3].

2- жадвал.

Ахборотни баҳолашга оид ёндашувлар таснифи

Муаллифлар	**Ёндашув**	**Усуллар**
Fowler, T. (1990)	Субъективлик нуқтаи назаридан	$Value = \frac{\text{фойдаланувчининг қониқиши}}{\text{харажат}}$
Dell'Isola (1997)	Бошқарув нуқтаи назаридан	$Value = \frac{\text{функция+сифат}}{\text{харажат}}$
Thomson (2003)	Молиявий нуқтаи назардан	$Value = \frac{\text{фойда (нима одлингиз)}}{\text{харажатлар (нима бердингиз)}}$
A.Kharkevich (1960)	Мақсадга эришиш эҳтимоликка асосланган	$V = log_2 \frac{P_1}{P_0}$
Avsentiev and Lobuteva (2016)	Мантиқий-лингвистик модель (хусусиятлар, вазн коэффицентлари)	$Z(x) = \sum_{i=1}^{I} w_i(x) c_i(x)$
Mark Polyanichko (2019)	Сўровнома ўтказилиб, балл асосида баҳолаш усули таклиф қилинган	$CV_i = \frac{\sum_{j=1}^{m} a_{ij} * w_j}{\sum_{j=1}^{m} a_{ij}}$
Yuyang Zhao (2008)	Байес тармоғи	$p(Quality\|Trust) = \frac{p(Quality\|Trust) \times p(Quality)}{p(Trast)}$
Holloway, B. P. and R. F. Reilly (2012)	Харажатга, бозорга ва даромадга асосланган ёндашув	Молиявий ҳисоб китоблар $FV = PV(r) \sum_{t=0}^{t} (Revenue - Expenses - CAC's - Taxes) + +PV(r)(Tax\ Benefit)$

Илмий-техник ахборот манбаларини, илмий веб ресурсларни, илмий ахборот базаларини баҳолашнинг бир қатор воситалари мавжуд. Масалан, SCImago Journal & Country Rank аналитик портали журналлар ва мамлакатлар илмий салоҳиятини баҳолашга мўлжалланган. Бундан ташқари RADAR, RADCAB, CRAAP, ACTUP каби веб воситалар мавжуд бўлиб, ушбу методологиялар ахборот манбаси ҳақидаги маълумотлар ва фойдаланувчининг ахборотдан қониқиш даражасига асосланади (3-жадвал).

Ахборотни баҳолашнинг таклиф этилаётган усуллари ахборотнинг фақат сифат хусусиятларини баҳолашга асосланганлиги сабабли ахборотнинг баҳосини аниқ характерлай олмайди.

3-жадвал.

© *Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев*

Илмий-техник ахборот манбаларини баҳолаш воситалари

Методология номи	Баҳолаш мезонлари	Муаллифлар/Ташкилотлар
RADAR	**R**elevance, **A**uthority, **D**ate, **A**ppearance, **R**eason	Sarah Blakeslee, 2004, California State University, Chico, USA
CRAAP	**C**urrency, **R**elevance, **A**uthority, **A**ccuracy, and **P**urpose	William H. Hannon Library, Los Angeles, USA
RADCAB	**R**elevancy, **A**ppropriateness, **D**etail, **C**urrency, **A**uthority, **B**ias	Karen Christensson, 2002, Edina Library, Edina, USA
DRAMA	**D**ate, **R**elevance, **A**ccuracy, **M**otivation, **A**uthorithy	Hanna Primeau, University of Michigan, USA
ACTUP	**A**uthor, **C**urrency, **T**ruth, **U**nbiased, **P**rivilege	Dawn Stahura, 2021, Salem State University, Salem, USA
SIFT	**S**top, **I**nvestigate, **F**ind, **T**race	Mike Caulfield, 2000, Washington State University, USA
5 Ws	Who, **W**hat, **W**hen, **W**here, **W**hy	Kathy Schrock, 2012, Wilkes University, USA
BEAM	**B**ackground, **E**xhibit, **A**rgument, **M**ethod	Joseph Bizup, 2008, University of California Merced Library, USA
CCOW	**C**redentials, **C**laims, **O**bjectives, and **W**orldview	Deborah Moore, Highline College Library, USA

IV. Юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот ресурслари фойдаланувчилари қизиқишларини ўрганиш.

Ҳозирда ахборотни баҳолаш масаласида тадқиқотчилар ўртасида икки хил ёндашув бор. Биринчи ёндашув ахборот манбаси мавзкур соҳадаги етакчи мутахассислар – экспертлар томонидан объектив баҳоланиши керак деган ғояни илгари сурса, иккинчи томон ахборотнинг баҳоси субъектив характерга эга эканлиги, уни фақат унинг фойдаланувчилари баҳолашлари керак эканлигини таъкидлашади. Фойдаланувчилар қизиқишларининг турличалиги, билим даражаларининг ҳар хиллиги ва турли мақсадга эгалиги туфайли муайян бир фойдаланувчи ўта муҳим бўлса бошқа фойдаланувчи учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Бу эса аввало фойдаланувчиларнинг юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот манбаларига бўлган эҳтиёжларини баҳолаш – қизиқиш ва манфаатларини аниқлаш масаласини келтириб чиқаради. Кейинги масала фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжларига мос ахборот манбаларини тавсия этишдан иборат бўлади. Ҳуқуқий ахборот ресурслари истеъмолчилари бир неча тоифалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Юридик ахборот манбалари фойдаланувчилари таснифи


Юридик ахборотлар фойдаланувчилари турлари	***Фойдаланувчилар тавсифи***
Профессионал юристлар	*юристлар, адвокатлар, нотариуслар, аудиторлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар ва маълумотлар билан мунтазам ишлайдиган бошқа мутахассислар*

© *Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев*

Давлат хизматчилари	*мансабдор шахслар, депутатлар, прокурорлар ва ўз хизмат вазифалари доирасида ҳуқуқий маълумотларга эга бўлган давлат органларининг бошқа ходимлари*
Ҳуқуқшунослик йўналишида таълим олувчи талабалар ва илмий тадқиқотчилар	*ҳуқуқшуносликни ўрганадиган ва ўқув материаллари ва манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган талабалар, шунингдек ҳуқуқшунослик соҳасини танқидий таҳлил қилиш орқали мавжуд камчиликларни аниқловчи ва уларни бартараф этиш учун таклифлар тайёрловчи илмий тадқиқотчи олимлар*
Жисмоний шахслар	*муайян ҳуқуқий муаммолар ёки муаммолар билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқий манбаларга мурожаат қиладиган оддий фуқаролар*
Бизнес эгалари ва тадбиркорлар	*ўз фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, шунингдек юридик маслаҳатлар тўғрисида маълумотга муҳтож бўлган компаниялар раҳбарлари ва тадбиркорлар*

Юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот ресурслари асосан академик турдаги ахборотларни ўзида жамлагани сабабли, фойдаланувчиларининг асосий қисмини давлат хизматчилари ва шу йўналишда таълим олаётган талабалар, илмий-тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчи-олимлар ташкил этади. Давлат хизматчилари эҳтиёжлари ва вазифаларига қараб турли хил ҳуқуқий ахборот ресурсларидан фойдаланадилар. Масалан, улар ўзларининг касбий фаолиятида маълумот қидириш ва қарор қабул қилиш учун Қонунчилик, суд қарорлари, юридик маслаҳатлар, юридик форумлар ва бошқа манбалардан маълумотлар базаларидан фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, давлат хизматчилари ўз ишларини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларга киришлари мумкин.

Муаллифлар томонидан тадқиқот давомида юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот ресурслардан фойдаланувчилари ва уларни қизиқтирувчи ресурс турларини ўрганиш, шунингдек қидирув мақсадларини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Сўровномада юридик соҳада фаолият олиб борувчи амалиёт ҳодимлари, талабалар, магистрлар, ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчилар иштирок этишди. Сўровномада иштирок этганларнинг 7.5 фоизи профессорлар, 17.5 фоизи доцентлар, 22.5 фоизи ўқитувчилар, 12.5 фоизи магистрлар, 5 фоизи талабалар, 35 фоизи амалиёт ҳодимларини ташкил этишди (2-расм).




2-расм. Юридик ахборот манбалари фойдаланувчилари қизиқишларини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома иштирокчилари турлари.

Сўровнома иштирокчиларини аксар қисмини Ички ишлар ва Прокуратура органлари ҳодимлари ташкил этишди.

"Сизни кўпроқ қайси турдаги ахборот ресурслари қизиқтиради?" деган саволга, иштирокчиларнинг 45.2 фоизи илмий мақолалар, 42.9 фоизи диссертациялар, 40.5 фоизи қонунлар, 35.7 фоизи қарорлар, 31 фоизи фармонлар, 28.6 фоизи ўқув қўлланмалар ва буйруқлар, 26.2 фоизи дарсликлар ва 23.8 фоизи монография, 19

© Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев


фоизи энциклопедия, 16.7 фоизи конференция тўпламлари ва шарҳлар, 14.3 фоизи автореферат ва 14.3 фоизи давлат стандартлари, 11.9 фоизи луғатлар, 9.5 фоизи газета ва журналлар қизиқтиради деб жавоб берилган (3-расм).



3-расм. Юридик ахборот манбалари фойдаланувчилари қизиқишларини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари

Натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, 75 фоиз ҳолатда таълимга оид ва илмий ресурсларни асосан илмий даражага эга ходимлар, магистрлар ва талабалар белгилашган, 25 фоиз ҳолатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни асосан кунлик фаолиятида ушбу ресурслардан фойдаланувчи амалиёт ходимлари белгилашган.

"Сиз асосан нима мақсадда ахборот қидирасиз?" деган саволга иштирокчиларнинг 40 фоизи DSc ва PhD илми тадқиқотларини олиб бориш мақсадида, 17.7 фоизи соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиб бориш мақсадади, 15.5 фоизи илмий мақолалар ёўиш мақсадида, 11.1 фоизи маъруза олиб боришга тайёргарлик кўриш мақсадида, 8.8 фоизи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни батафсилроқ ўрганиш мақсадида, 4.4 фоизи ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларимни билиш ва айнан бир тушунча ёки ҳолат учун қонунчиликда белгиланган меёрларни ўрганиш мақсадида юридик аҳборотларни қидираман деб жавоб беришган (4-расм).



© *Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев*

4-расм. Юридик ахборот манбалари фойдаланувчиларининг ахборот манбаларидан фойдаланиш мақсадларини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари

Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлардан кўриш мумкинки, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланув фойдаланувчилар кўпроқ илмий мақолалар ва диссертация ишларига мурожаат қилишади.

V.Юридик соҳадаги фан ва ва таълимга ахборот манбаларини баҳолаш усули

Ушбу бўлимда юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот манбаларини улар билан боғлиқ хусусиятлар ва статистик маълумотлар асосида баҳолаш усули кўриб чиқилади.

Юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот манбалари сифатини тавсифловчи $S = \{S_i | i = 1,2, \dots, I\}$ хусусиятлар тўплами берилган бўлсин. Бу ерда c_i – хусусиятлар тўплами. Юридик адабиётлар учун ахборотнинг етти хусусияти танлаб олинди: c_1 – аниқлилик; c_2 – долзарблилик; c_3 – тўлиқлилик; c_4 – тушунарлилик; c_5 – ишончлилик; c_6 - илмий янгилиги; c_7 - фойдалана олишлик.

Фан ва таълимга оид ахборотларнинг баҳосига юқоридаги хусусиятлардан ташқари муайян вақт интервалида ахборотдан фойдаланишлар сони кўрсаткичи ҳам таъсир кўрсатади. Аммо бу кўрсаткич асосий мезон бўлмаслиги керак. Шундай қилиб, Авсентьев томонидан таклиф этилган ахборотни баҳолаш формуласини [5] кенгайтирган ҳолда қуйидагича ёзиш мумкин:


$$Z(x) = \frac{n}{t} \sum_{i=1}^{I} w_i(x)\, c_i(x),$$

бу ерда n – x ахборот манбасидан t вақт интервалида фойдаланишлар сони; $c_i(x)$ – x ахборот манбасининг баҳоланувчи хусусиятлари тўплами $(i = 1, \dots, 7)$; $w_i(x)$ – экспертлар томонидан берилган муайян типдаги фойдаланувчилар эҳтиёжи ёки аниқ фаолият тури бўйича ахборотнинг мос хусусиятини тавсифловчи вазн коэффициенти; I – ахборот манбаси баҳосини ифодаловчи хусусиятлар сони.

Шуни таъкидлаш керакки, ахборот манбасининг баҳоси вақтга боғлиқ ҳолда динамик ўзгариб бориши мумкин ва шунинг учун ҳам ахборот манбаси баҳоси уни баҳолаш вақти билан бирга кўрсатилиши керак. Умумий ҳолда юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот манбаларини баҳолаш ва қидириш алгоритмини 5-расмдагидек тасвирлаш мумкин.



5-расм. а) Ахборот манбаларини баҳолаш алгоритми




5-расм. б) Ахборот манбаларини қидириш алгоритми

© *Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев*

Юридик соҳадаги фан ва ва таълимга ахборот манбаларининг кенгайтирилган таснифи


Юқорида таклиф этилган усул ёрдамида юридик соҳадаги фан ва ва таълимга ахборот манбалари баҳоларининг аниқлангани ундан самарали фойдаланиш учун етарли ҳисобланмайди. Чунки барча фойдаланувчиларга энг юқори баҳога эга бўлган ахборот манбалари керак бўлмайди. 4 ва 5-расмлардан кўриниб турибдики, фойдаланувчилар юридик фан соҳасининг муайян ихтисослиги бўйича ўз ахборот эҳтиёжларига мос ахборот манбаларини қидирадилар. Шу сабабли фойдаланувчи томонидан киритилган сўровнинг қайси ихтисосликка мослигини аниқлаш ва унга боғлиқ манбаларни дастлаб тавсия этиш орқали бир қадар самарадорликка эришиш мумкин. Бунинг учун 12.00.00 юридик фанлар тармоғини янада тўлиқроқ таснифлаш зарар. Юридик фанлар тармоғи ихтисосликларини дастлабки босқичда умумий равишда 6-расмда кўрсатилганидек таснифлаш мумкин.



6-расм. Юридик фанлар тармоғи ихтисосликларининг таснифланиши (1-поғона)


Ихтисосликлар, юридик фан соҳасини чуқурроқ қамраб олиши учун уларнинг ҳар бирини алоҳида иерархик тартибда энг кичик фан соҳаси йўналишига етиб боргунча ёйиб чиқишимиз мумкин. Бунда, йўналишнинг вертикал пастлаши сатҳ (L) деб номланади. Сатҳлар пастлагани сари уларга қўшимча ихтисослик (S) ва ихтисослик йўналиши (D) қўшиб борилади. Ўзидан пастда кичик ихтисослик йўналишларига эга бўлган ихтисослик пастки ихтисослик йўналишлари учун "ота" ихтисослик ҳисобланади. Горизонтал тарзда қўшилган ихтисосликларга ўзидан аввалги ихтисослик рақамини ўсиш тартибидаги ихтисослик коди (S_{i+1}) берилади. Ихтисослик йўналиши коди ўзи бевосита юқори томондан боғланган ихтисослик кодига қўшимча бўлинма киритиш орқали шакиллантирилади ва ҳар бир ихтисослик учун алоҳида яратилади. Юридик фан сохаси ихтисосликларини иерархик тасвирланиши 12.00.09 – Жиноят процесси юридик фан соҳаси ихтисослиги мисолида 7-расмда келтирилган.

© *Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев*



7-расм. "12.00.09 – Жиноят процесси" ихтисослигининг кенгайтирилган таснифланиши (2-поғона)

Ушбу таснифланишлар муаллифлар томонидан соҳадаги амалий тажрибалар асосида таклиф этилган. Шундай қилиб, юридик фанлар тармоғи ихтисосликлари ҳам горизонтал, ҳам вертикал тарзда кенгайиб бориши мумкин (8-расм).



8-расм. Юридик фан соҳаси ихтисосликларининг иерархик тасвирланиши

Маълумки, ахборотларни қидиришнинг кенг қўлланиладиган асосий икки ёндашуви мавжуд. Биринчи ёндашувда қидирув учун махсус тематик каталоглардан фойдаланилади ва таснифланган маълумотларни қидириш тизими ташкил этилади. Иккинчи ёндашувга кўра, луғат маълумотларини қидириш тизими қўлланилади. Ушбу турдаги тизимларда индексланган ҳужжатларнинг мазмунини тавсифлаш учун атамалар луғати қўлланилади [4]. Ушбу мақолада таклиф этилаётган маълумотларни таснифлаш усули электрон кутубхона кутубхоналарда ресурсларни қидириш ва баҳолашда самарали қўлланилиши мумкин.

VI. Хулоса

Юридик соҳадаги фан ва таълимга оид ахборот манбалари сонининг кўплиги фойдаланувчининг айнан зарур бўлган юқори баҳога эга адабиётларни қидириб топишда

© *Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев*

қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу эса ахборотни қидиришнинг самарали усулларини яратишни тақозо этади. Мақолада мазкур масалаларнинг ечиш мақсадида юридик адабиётларнинг кенгайтирилган таснифи ҳамда уларни баҳолаш усули ва уни амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилди. Яратилган усулни қидирув тизимларида, жумладан электрон кутубхоналарни яратишда фойдаланиш мумкин. Мазкур тадқиқот ишини замонавий машинали ўқитиш алгоритмларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжларига ахборот манбаларининг мослигини баҳолаш усулларини яратиш йўналишида давом эттириш мумкин.

VII.Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Коршунов Александр Николаевич (2014). Содержание понятия «Правовая информация» и его значение для теории государства и права. Вестник университета, (3), 247-252.
2. Open Educational Resources (англ.). The William and Flora Hewlett Foundation. https://hewlett.org/open-educational-resources-breaking-the-lockbox-on-education/
3. Normatov Sherbek Baxtiyorovich, & Hayitova Sarvinoz Sodiq qizi. (2022). Fan va ta'limga oid axborotlarning umumlashgan mezonlari tahlili. International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research, 1(2), 59–62. Doi: 10.5281/zenodo.7304220
4. Urinkulov, O., & Abdullayev, M. (2023). Models and algorithms for optimizing legal information retrieval in the corporate network of academic libraries. sabiedrība. integrācija. izglītība, 254.
5. Авсентьев А.О. Определение ценности информации // Доклады Томского государственного университета систем управления и радиоэлектроники. 2016. Т. 19. № 1. С. 21–24

© *Шербек Норматов, Одил Ўринқулов , Марат Рахматуллаев*